

ЎЗБЕК ТИЛИДА СИНТАКТИК ОМОНИМЛАР (КОГНИТИВ АСПЕКТ)

Насиба Сайидмахамадовна САЙИДИРАХИМОВА

Филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент, Ўзбекистон

СИНТАКСИЧЕСКИЕ ОМОНИМЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ (КОГНИТИВНЫЙ АСПЕКТ)

Насиба Сайидмахамадовна САЙИДИРАХИМОВА

Кандидат филологический наук, доцент

Международная исламская академия Узбекистана, Ташкент, Узбекистан

SYNTAX HOMONYMS IN UZBEK LANGUAGE (COGNITIVE ASPECT)

Nasiba Sayidmahamadovna SAYIDIRAHIMOVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

sayidirahimova@naviy-uni.uz

UDC (УДК): 811.512.133 -11

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Сайидирахимова Н. С. Ўзбек тилида
синтактик омонимлар (когнитив
аспект)/Ўзбекистонда хорижий тиллар. —
2020. — № 5 (34). — Б. 86-94

<https://doi.org/10.36078/1610783348>

Received: December 12, 2019

Accepted: February 17, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific
Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Омонимлар лексик-семантик аспектнинг асосий бирлиги сифатида қаралувчи тил ҳодисаларидан бири саналади. Жаҳон тилшунослик илми, шунингдек, ўзбек тилшунослигида мазкур ҳодиса кенг ва атрофлича тадқиқ этилган. Бу борада олиб борилган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, омонимия ҳодисасига бағишланган ишларнинг барчаси омонимларнинг лексик, морфологик ҳамда стилистик имкониятларини ўрганиш, таҳлил этишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бироқ тилшуносликда сўнгги йилларда туб бурилишнинг юзага келиши, яъни тил ҳодисаларини ўрганишда инсон омилининг диққат марказига олиниши натижасида юзага келган когнитив тилшунослик ҳамда тил ҳодисаларига когнитив ва антропоцентрик ёндашув асосида омонимия нафақат лексик-семантик, балки тилнинг барча сатҳларида барча ярусларида қаралувчи ҳамда намоён бўлувчи кўпқиррали лисоний ҳодиса эканлиги маълум бўлиб қолди ва тилшунослар олдига мазкур ҳодисани янгича парадигма асосида ўрганиш қўйилмаган ҳулосаларни бериши мумкинлиги тилшуносликда бу ҳодисани яна бир бора қайта кўриб чиқиш муҳимлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан омонимия тилнинг юқори босқичи – синтактик сатҳда лексик-семантик сатҳдан фарқли ўлароқ, лексеманинг фақат шаклдошлигигагина асосланган ҳолда эмас, балки гап, матн таркибида, аниқроғи, инсон тафаккуридаги олам манзарасида ўзгача когниция асосида намоён бўлиши мумкинлиги аниқланди. Бу эса ўзбек тилшунослигида ҳали қўл урилмаган ва ўз ечимини қутаётган ҳодиса саналади. Шу боис, бу борада олиб бораётган тадқиқотларимизга таянган ҳолда мазкур

мақолада омонимияга кўпқиррали лингвистик ҳодиса сифатида қаралади, шунингдек, унда ўзбек тилида синтактик сатҳда намоён бўлувчи омонимия ҳодисаси ва уларнинг юзага келишидаги когнитив асослар, омиллар хусусида фикр юритилади ва мисоллар орқали таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: синтактик омонимия; репрезентация; интерпретация; реципиент; антропоцентрик парадигма; когнитив асослар; сирконстантлар; когнитив аспект; прагматика; пресуппозиция.

Аннотация. Омонимы являются одним из явлений, рассматриваемых в качестве основной единицы лексико-семантического аспекта. Анализ научных трудов в этой области показывает, что все работы, посвященные феномену омонимии, характеризуются изучением и анализом лексических, морфологических и стилистических возможностей омонимов. Однако в последние годы произошел радикальный сдвиг в лингвистике, который возник в результате сосредоточения внимания ученых на человеческом факторе при изучении языковых явлений. Также на основе когнитивно-антропоцентрического подхода к языковым явлениям стало известно, что омонимия — это не только лексико-семантический, но и многогранный лингвистический феномен, который рассматривается и проявляется на всех уровнях языка, в том числе и на синтаксическом. И тот факт, что изучение этого феномена перед лингвистами на основе новой парадигмы может привести к неожиданным выводам и даёт важность пересмотра этого явления в лингвистике. В связи с этим было обнаружено, что омонимия, в отличие от лексико-семантического уровня, на синтаксическом может выражаться не только на основе внешней формы лексем, но и на основе особого познания в речи, тексте, точнее, в сознании человека. Такой подход считается не изученным в узбекском языкознании и, конечно же, ждёт своей теоретической лингвистической трактовки.

Основываясь на наших исследованиях в этой области, в статье омонимия рассматривается как многогранный лингвистический феномен, а также обсуждаются проявления омонимии в узбекском языке, ее когнитивные основы и факторы ее возникновения.

Ключевые слова: синтаксическая омонимия; репрезентация; интерпретация; реципиент; антропоцентрическая парадигма; когнитивные основы; когнитивный аспект; сирконстанты; прагматика; пресуппозиция.

Absract. Homonyms are one of the main units of the lexical and semantic aspects of language. The analysis of the scientific works done in this area shows that all works devoted to the phenomenon of homonymy are characterized by the study and analysis of the lexical, morphological and stylistic possibilities of homonyms. However, in recent years there has been a radical shift in linguistics, that is, in cognitive linguistics, which has arisen as a result of the concentration of the human factor in the study of linguistic phenomena. Based on the cognitive-anthropocentric approach to linguistic phenomena, it became evident that homonymy is not only a lexical-semantic but also a multifaceted linguistic phenomenon, that is considered and manifested at all levels of the language, more precisely at the syntactic level. The fact that the study of this phenomenon on the basis of a new paradigm can lead to unexpected conclusions urges the linguists to revise this phenomenon. In this regard, it turns out that homonymy, in

contrast to the lexical-semantic level of the language, on the syntactic level can be expressed not only on the basis of external forms of lexemes but also on the basis of special knowledge in speech, text, in particular through the cognition of a person. This is an unexplored problem in the Uzbek linguistics, which defines the topicality of the following research.

This study considers homonymy as a multifaceted linguistic phenomenon. It discusses the ways of expressing homonyms in the Uzbek language and their cognitive foundations, i.e. the factors of their occurrence at the syntactic level.

Keywords: syntactic homonymies; representation; interpretation; reaction; anthropocentric paradigm; cognitive basis; cognitive aspect; sirconstants; pragmatics; presupposition.

Кириш. Замонавий тилшунослик илмида тил ва нуткни шакллантиришни тил билимининг репрезентацияланувчи ва ахборотни қайта ишлашда “ментал” англаш имкониятларини назарда тутган масалаларни тадқиқ этувчи когнитив лингвистика жадал ривожланмоқда (1, 53–55). Когнитив тилшуносликнинг асосий мақсади – нуткни қабул қилиш қандай механизмлар асосда амалга ошиши, тилда категоризация масаласи, борлиқни англаш ва тасниф қилиш, олам картинаси, яъни олам ҳақидаги билимлар қандай тўпланади, қандай тизимлар ахборотнинг турли фаолиятини тилда акс эттиришга кўмаклашади каби қатор масалаларни ўрганишдан иборат.

Когнитив йўналишнинг такомиллашуви тилшуносликда тилнинг турли фактларини ўрганишдаги грамматик, шунингдек, синтаксис доирасида ҳамда функционал, ситуатив йўналишларнинг антропоцентрик парадигмага бирлашувига тurtки бўлди.

Синтактик ноаниқлик тил белгилари асимметриясининг юзага келишидаги инсон нутқига хос энг муҳим хусусият саналади. Айнан омонимия тушунчасини кенг маънода тушуниш синтактик омонимияни ўзида қамрайди ва синтактик сатҳдаги омонимия ҳодисаси ўзида тилнинг табиийлиги ёрқин намоён этади.

Тил бирликларидаги ноаниқлик, яъни омонимия тилнинг лексик ва морфологик сатҳидагина эмас, балки синтактик сатҳида синтактик бирликларни тушуниш ва таҳлил этиш жараёнларида ҳам кенг кузатилади. Бизнингча, синтактик ноаниқликлар юзага келишининг асосий сабаби, биринчи навбатда, гап таркибига кирувчи бирликлар, шунингдек, лексемалардаги ноаниқликлар (**тош!** (*тошмоқ*; **тош** — предмет); **от!** (*от* — ҳайвон, **от!** — ҳаракат феъли; **бор!** — мавжуд / **бор!** — ҳаракат феъли; **туш!** (*ҳаракат феъл*; **туш!** — от)), грамматик конверсия қисман лексик ва қисман грамматик омонимия (**тузсиз!** (*гапининг тузи йўқ*)/ **тузсиз!** (*намаги кам...*)), грамматик шаклларнинг турлича интерпретацияланиши (*бешболали (к) йигитча...* — (*Фаргонанинг бешбола даҳасидан...* / *бешболали йигитча* / *бешта фарзанднинг отаси...*)), синтактик бирликлар ўртасидаги боғланишларни аниқлашдаги ноаниқликлар, яъни сирконстантларнинг факультативлигини таъминловчи вариативли валентлик (*бозордаги тўс-тўпалон*; *бозордаги гавжумлик* / *бозордаги жанжаллар*), актантларнинг вариативлиги (*у талом бўлди* / *у (дарс якунига етди* / *у вафот этди* / *у балога қолди*)), актантларнинг факультативлиги (*Мусиқа ўқитувчи чалишни билмайди*; **Мусиқа** / *ўқитувчи чалишни билмайди*; *Мусиқа*

ўқитувчи / чалишни билмайди (сунъий тўсиқ қўйишни / оёқдан чалишни) каби қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Нутқини идрок этиш, шунингдек, матнни ўқиш жараёнида инсон қўлланилаётган лексемаларнинг семаларини танлашда, улар ўртасидаги синтактик мувофиқлик, синтактик вазифани тўғри белгилашда бевосита тезлик билан қарор қабул қилиши керак.

Синтактик ноаниқликларни аниқлаш замонавий назарий ҳамда амалий тилшуносликнинг энг муҳим ва асосий муаммоларидан бири саналади. Кундалик нутқий мулоқотда сўзловчи доимий равишда ўзи англамаган ҳолда турли ноаниқ конструкцияларни яратади, нутқида қўллайди ва айни дамда тафаккурда таҳлил қилади. Мазкур муаммо, яъни оғзаки, айниқса, ёзма нутқда қўлланилган синтактик ноаниқликлар, аниқроғи, фикр ифодасида прагматик мазмун (пресуппозиция)ни назарда тутиш реципиент учун нутқда қўплаб қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатлар, яъни синтактик ноаниқликлар турли тиллар ўртасида ҳам қўплаб кузатилади.

Психолингвистик нуқтаи назардан муаллиф матнни шакллантиришда синтактик ноаниқликка йўл қўяётганлигини сезмайди ҳам, балки у матнни шакллантиришда “тилни ҳис этиш” имконияти ҳисобига омонимияга йўл қўйилаётганлигига эътибор қаратмайди. Мазкур ҳолат эса фақатгина тил материалини онгли ўрганишнинг омонимия ҳодисасига йўналтирилган жиҳати билангина аниқланиши мумкин бўлади. Бундай ҳодисалар, албатта, матнни ёзиш жараёнида эмас, балки муайян вақт ўтиб, матн таҳлили орқалигина аниқланиши мумкин. Бироқ синтактик ноаниқликнинг бош муаммоси масаласи, матн таҳрири ва синтактик ноаниқликни олиб ташлаш ҳолатлари муаллиф томонидан гарчи тил ва метатил воситалари ёрдамида амалга оширилганда ҳам, ҳамма вақт ўз ечимини топа олмайди. Бу ўринда мазкур муаммо сўзларнинг мазмуний боғланиш қонуниятини ўрганишга доир турли усуллар ёрдамида ва махсус лингвистик таҳлил орқалигина белгиланиши мумкин.

Синтактик ноаниқлик, яъни синтактик омонимия ҳодисасини ўрганишнинг хорижий тадқиқотлари тажрибалари (2, 16–20) ўзида психолингвистик методлар ёрдамида аниқланувчи кенг доирадаги масалаларни қамрайди:

- 1) гапда кўрсатилган ҳодисани англашда ва интерпретацияланишида қандай ментал жараёнлар назарда тутилган;
- 2) турли лингвистик ва экстралингвистик факторларнинг мазкур жараёнларга таъсири қандай;
- 3) тил эгасининг онгида ноаниқликни англаш ва унинг ечимини топишда “когнитив қонуниятлар”ни экспериментал ҳолатда белгилаш мумкинми?

Синтактик ноаниқликнинг айрим типлари, масалан, аниқловчи эргаш гапли қўшма (*Жиноятчи болаҳонада турган уй эгасини хизматчисини отиб ташлади*) гапларда кўпинча аниқловчининг синтактик вазифасини ўрганиш турли тиллар тилшунослигида алоҳида тадқиқот объекти сифатида олинган (3, 2001). Мазкур аниқловчи-аниқланмиш (атрибутив муносабати) ҳолатидаги гаплар ўзида муайян уч синтактик структурани намоён этиши, яъни бундай кўринишдаги гаплар таркибидаги аниқланмиш уч синтактик структурага тенг келиб қолиши мумкин. Келтирилган фикрларни қуйидаги мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз. Ушбу ҳолатларда муаммо универсал таҳлил назарияси, яъни гапдаги синтактик ноаниқлик тил эгасининг интерпретацияси асосида аниқланишини кузатиш мумкин. Бироқ Ф.Куэтос ва Д.Митчеллалар (4,

1999) синтактик ноаниқликларни ўрганишга бағишланган ишларида психолингвистик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда тил эгаларининг ҳамма вақт ҳам тафаккури интерпретацияси асосида эмас, балки гапни англашдаги тилнинг табиий ва ментал хусусиятига таянишларини алоҳида таъкидлайдилар. Яъни юқорида келтирилган мисолларга кўра шуни айтиш мумкинки, гапни ҳар қандай ҳолатда тушуниш ва англаш тил эгасининг индивидуал танлаш стратегияси ва танловига боғлиқ бўлади. Кўринадики, ушбу муаммолар жиддий таҳлил қилиниб, тугал бир фикрга келишни тақозо этади.

Биз омонимия ҳақида гаприганимизда, тил бирликларининг, энг аввало, ташқи идентилиги (ўхшашлиги) ва семантик жиҳатдан мазмун хилма хиллигини назарда тутамиз. Аристотель таъбири билан айтганда, “омоним-сўзлар” инсоннинг гўёки ички ва ташқи ифодаси портретинини ёдга солади. Омонимия ҳодисасини бундай мазмунда тушуниш, назаримизда, ҳали хануз давом этмоқда.

Синтаксиснинг турли аспектларини тавсифлашга қаратилган кўплаб ишларда синтактик ноаниқликларга ишора берилган. Бу борада матнларни автоматик тарзда қайта ишлашга қаратилган дастурий таъминотларни яратишда ўзида тилшуносликнинг амалий томонларини қамраган компьютер лингвистикаси билан боғлиқ формал-грамматик тавсифларда айтилган матнларда кузатилган синтактик ноаниқликлар хусусида гапирилганлигини кўриш мумкин. Бироқ синтактик таҳлиллар асосида синтактик ноаниқликларни бартараф этиш, синтактик омонимларни юзага келтирувчи асосий омиллар, уларни юзага келишидаги когнитив асосларнинг лингвистик таҳлили эътибордан четда қолиб кетди.

Синтактик омонимия айтилган бир тил бирликлари асосида бир неча синтактик структураларни шакллантириш имкониятидир. Синтактик омонимиянинг қуйидаги типларини ажратамиз: **синтактик алоқаларни** белгилашдаги хилма-хиллик (йўналтирилган омонимия), субъект ёки объект ўртасидаги муносабатга кўра (белгили омонимия) ва кўплаб фарқланувчи синтактик гуруҳлар ўртасидаги омонимия (конституент омонимия) (5, 144). Анъанавий тилшуносликда тўртта бири-бирига яқин терминлар — **омонимия, кўпмаънолилик, полисемия** ва **ноаниқлик** каби терминлар ўзаро ёнма-ён қўлланилади. Булар ичида ноаниқлик бошқаларига нисбатан анча кенг тушунча бўлиб, у айрим тил бирликларининг бирдан ортиқ маъно англатишини ҳам назарда тутди. Полисемия тушунчаси эса баъзида кўпмаънолилик тушунчасининг ўрнида ҳам қўлланилади (6, 509–523).

Полисемия тушунчаси баъзан кўпмаънолилик тушунчасининг синоними тарзида қўлланилишини кузатишимиз, бироқ кўп ҳолларда лексик кўпмаънолиликка нисбатан қўлланганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур тушунча тил ифода ва нутқ маҳсули — матнга нисбатан қўлланганда эса бир оз бошқачароқ, яъни ифода хилма хиллиги ва матннинг прагматик томони, нутқий ифода ва матндан англашилаётган пресуппозицияга нисбатан қўлланилиши назарда тутилади.

Синтактик омонимия тушунчасининг изоҳи бўйича бир қанча фикрлар мавжуд бўлиб, Ю.Д.Апресян ўз ишларида тил хилма хиллигини лексик ва синтактик ҳамда нутқий ситуациянинг аниқ у ёки бу параметрларини ҳисобга олмаган ҳолда юзага келадиган нутқий ифодадаги ноаниқлик (синтактик омонимия) ларни бир-биридан фарқлайди (6, 530).

Агар тилдаги ноаниқлик (омонимия)ни — бу сўз ва ифоданинг нуқий жараёнда турли интерпретация қилиниши (англаниши), тил бирликларининг ўзига хос хусусияти деб олсак, у ҳолда нуқий хилима-

хиллик — мазкур хусусиятларнинг ифодадаги аниқ кўриниши, яъни реализацияси дейишимиз мумкин.

Нутқий ноаниқликлар баъзи ҳолларда мақсадсиз **бевосита** бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда у келгуси коммуникация учун йўл очади ёки унга тўсқинлик қилади, бироқ ноаниқлик мақсадли, билвосита, яъни стилистик приёми юзага келтириш мақсадида амалга оширилиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатларда хилма-хиллик айрим тадқиқотчилар томонидан бадий матн таҳлил қилинишида матн таркибидаги сўз, ибора, умуман, тил бирликларининг турли мазмун англатиши матн ва ифоданинг ажралмас қисми сифатида тадқиқ қилинади. Масалан, 1. *Биз тўн бичяпмиз (биз янги урфдаги пальтолар андозасини бичяпмиз / биз маслаҳат қияпмиз; масалани ҳал этиш режасини тузаяпмиз).* 2. *У тоғли Ўш шаҳридан, кўчиб келган. / У тоғли(к) Ўш шаҳридан, кўчиб келган.*

Қуйидаги ҳолатларда эса лексик ноаниқликни чегаралаб олиш ўта муҳим саналади: (**манзилни кўрсатмоқ**: “уйини кўрсатмоқ” ва “бориш жойини кўрсатиб юбормоқ”; интернет электрон почтасини кўрсатмоқ; **тилга олмоқ**: “тоғлиб кўрмоқ”, “Кимнингдир номини тилга олмоқ/ёд этмоқ” ва синтактик хилма-хиллик “Қишда Қамчиқ довони ўта хавфли” ва “Қишда Қамчиқ довонидан машинада ўтиш ўта хавфли”; “Қишда Қамчиқ довонидан пиёда ўтиш хавфли”; “Қишда Қамчиқ довонидан пиёда ўтиш ўта хавфли”).

Баъзи манбаларда синтактик омонимлар сифатида бир сўз бирикмаси ёки гапда турлича гап бўлакларига ажратиладиган ёхуд грамматик жиҳатдан турлича талқин этилиб, улар орасида синтактик алоқалар турлича белгиланадиган синтактик бирликлар тушунилади (4, 30).

Бизнингча, синтактик омонимларни белгилашда уларнинг структур ва семантик тузилиши ўртасидаги муносабат масаласи муҳим белги сифатида ажратилиши лозим. Аммо улар ифодалаган пропозитив маъноларни аниқлашда бу икки белгидан ташқари яна прагматик ва стилистик белги ҳам қатнашади. Шу сабабли синтактик омонимларни белгилашда семантик, синтактик, прагматик ва стилистик жиҳатларни ўзаро узвий боғлиқликда қараш лозим бўлади.

Т.А. Липатовнинг қайд этишича, синтактик омонимия (синтонимия) лексик ва морфологик омонимиядан ўзини “яширин ҳолат”да тутиши билан фарқланади. Уларнинг синтонимлар эканини “очиқ бериш”, аниқлашга тўғри келади. Чунки синтонимларни белгилашда инсонга хос “тилни ҳис этиш” ҳам бевосита ёрдам бера олмайди (4, 60).

Ўзбек тилида ҳам синтактик омонимларнинг структур тузилишида баъзи лексик ва морфологик бирликлар омонимик белгиси билан иштирок этади.

Бундай вазиятда улар синтактик омонимларни шакллантирувчи воситаларга айланади. Демак, синтактик омонимия мураккаб лингвистик ходиса бўлиб, унда турли сатҳ бирликларининг ҳамкорлиги кузатилади. Қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз:

Тойчоғингиз совқотибди, деди. Дадаси энгашиб, кўрпанинг бир томонини кўтарди-да, кулини титиб, чўғини очди. Кейин чиқиб кетишиди (Тоҳир Малик).

Бу мисолда *тойчоғингиз совқотибди* бирикмасидаги *тойчоқ* лексемаси синтактик омонимиянинг шаклланишига йўл очган. Сабаби ушбу жумлани бир ўқигандан ва ёки ундан кейинги жумлалар орқали “*У жойида ётди, Аввалига ёлғизликдан бир оз қўрқди. Сўнг ухлаб қолди*” гаплари орқали гап ким (бола) ёки нима (отнинг боласи — той) ҳақида

бораётганлиги мавхумлашади, бироқ ундан олдинги “*Дадаси, танчанинг чўғини очиб қўйинг*” гапга диққат билан эътибор қаратилса, гап асар қахрамони Асабдек ҳақида борётганлиги ойдинлашади. Қўринадики, гапда сирконтстантларнинг факультативлиги бу ўринда синтактик омонимия шаклланишига йўл очган.

Маълум бўладики, синтактик омонимия ҳар доим ҳам фақат синтактик воситаларнинг ўзи билангина шаклланмайди. Т.А.Липатовнинг куйидаги фикри ҳам ушбу хулосамизни тасдиқлайди: “Тилда фақат синтактик воситаларнинг ўзи билангина ҳосил бўладиган “соф ҳолда”ги синтактик омонимлар мавжуд эмас. Лексик ва морфологик омонимлар синтактик микросистема таркибида ўзига хос синтактик вазифа бажаради” (4, 78).

Демак, синтактик сатҳдаги омонимиянинг шаклланишида лексик ва морфологик омонимлар, синтактик бирликларнинг синтагмаларга турлича бўлиниши, уларда лексемаларнинг жойлашув ўрни кабилар муҳим ўрин тутаяди. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тилида синтактик омонимия, асосан, куйидаги нутқий вазиятларда шаклланади:

1. Гап таркибида омонимик характердаги лексик бирликлар синтактик омонимиянинг шаклланишига йўл очаяди. Масалан:

Сенинг орқангда тоғ бўлиши керак (Тоҳир Малик).

Берилган мисолда *тоғ* лексемаси синтактик омонияни шакллантирган. Аммо матн прагматик таҳлили асосида берилган парчада *тоғ* — *қаттиқ жисм, табиат ҳодисасини* эмас, балки “*тоғ*” уни ҳамиша қўллаб-қувватловчи; *унга мадад бўлувчи киши* ҳақида фикр юритилаётганлиги маълум бўлади. Қиёсланг:

Сенинг орқангда тоғ бўлиши керак. Мен ...афсус, тоғ эмасман. Бир точаман. Ҳаёт мени эрмак қилиб ўйнаб, истаган пайтда улоқтириб ташлаши мумкин. Менга ишонма (Тоҳир Малик).

2. Гапда қўлланган омонимик характердаги морфологик бирликлар синтактик омонимиянинг шаклланишига йўл очаяди. Масалан, “*Дўстимдан хабар бор*” гапида чиқиш келишиги шакли орқали синтактик омонимия шаклланган. Чиқиш келишигининг бирдан ортик грамматик маънони ифодалаши натижасида айни гапдан “*Дўстим ҳақида хабар бор*”, “*Дўстим орқали хабар бор*” пропозицияларини англаш мумкин бўлади.

3. Гапда омонимик характердаги кўмакчи феълли бирикув ва қўшма феълнинг ўзаро фарқланмаслиги синтактик омонимиянинг шаклланишига олиб келади. Масалан: *Зинадан чиқишига эринди-да, тепага чиқиб кетди* (Тоҳир Малик).

Ушбу гапда қўлланган *чиқиб кетмоқ* кўмакчи феълли бирикуви контекст ёки нутқ вазияти билан боғланмаса, унинг гапда қандай синтактик семани ҳосил қилаётгани мавхумлашади. Бундай вактда айни бирлик орқали гапда куйидаги пропозицияларни фарқлаш мумкин бўлади: *Зина билан тепага чиқиб кетди* / *Зинадан чиқишига эринди-да, тепага лифт орқали чиқиб кетди* каби.

4. Гапда омонимик характердаги ибора ва сўз бирикмасининг ўзаро фарқланмаслиги синтактик омонимиянинг шаклланишига олиб келади. Масалан: *У ҳаммага тўн кийдириб кетди*. (Ў.Ҳошимов).

Мазкур мисолда омонимик характердаги *тўн кийдирмоқ* ибораси орқали синтактик омонимия шаклланган. Айни гап нутқий вазият ёки контекстдан ажратилиб, *тўн кийдирмоқ* ибораси тингловчи томонидан эркин сўз бирикмаси сифатида қабул қилинса, пропозиция мундарижаси ҳам ўзгаради.

5. Ёзма нутқда зарур ўринларда махсус тиниш белгилари (вергул, қўштирноқ кабилар)нинг қўлланмай қолиши ҳам баъзан синтактик омонимиянинг шаклланишига олиб келади. Масалан, вергулнинг зарур ўринда қўлланмаслиги гапнинг синтагмаларга нотўғри бўлинишига сабабчи бўлади. Қиёсланг: *Эшикдан беш болалали аёл, кириб келди / Эшикдан беш, болалали аёл кириб келди* Биринчи ҳолатда “*Бешта фарзанди/боласи бор аёл*” тушганлиги, пропозицияси, кейинги синтактик структурада эса “*Бешта болали аёллар кириб келганлиги*” пропозицияси англашилади.

Хуллас, синтактик омонимиянинг шаклланишида тилнинг турли бирликлари ҳамкорликда иш қўради. Бу жиҳатдан синтактик омонимия тилнинг қўпқиррали ва мураккаб жиҳатини акс эттирувчи лингвистик ҳодиса ҳисобланади. Албатта, синтактик омонимия ҳодисалари ва уларнинг тилда намоён бўлишини тўлақонли илмий тавсифлаш ушбу муаммони махсус тадқиқ этиш масаласини кун тартибига қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Демьянков В. З., Кубрякова Е. С. Когнитивная лингвистика // Кубрякова Е. С. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. — М.: Филол. ф-т МГУ им. М. В. Ломоносова, 1997. — С. 53–55. — URL: <http://www.infolex.ru/Cogling.htm>
2. Маслова В. А. Введение в когнитивную лингвистику: учеб. пособие. — М.: Наука, 2004. 296 с.
3. Федорчук Е.В. Межъязыковая омонимия и паронимия в близкородственных языках: На материале русского и украинского языков. Автореф. дисс. ...доктора филол. наук. — М., 2001. — URL: <https://www.dissercat.com/content/mezhyazykovaya-omonimiya-i-paronimiya-v-blizkorodstvennykh-yazykakh-na-materiale-russkogo-i-ukrainskogo-yazykov>
4. Липатов А.Т. Семантические аспекты проявления русской омонимии на разных языковых уровнях. Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. — Ленинград, 1990. — 36 с.
5. Гладкий А. В. Синтаксические структуры естественного языка в автоматизированных системах общения. — М., 1985. — 144 с.
6. Апресян Ю. Д. О регулярной многозначности // Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. Т. XXX. Вып. 6. — М., 1971. — С. 509–523. — URL: <http://philology.ru/linguistics1/apresyan-71.htm>
7. Sayidirahimova N.S. (2020) Semantic classification of the syntax antonyms of uzbek language. International Scientific Journal.Theoretical & Applied Scienceю. — Philadelphia, USA, 2020. — P. 670–673. DOI: [10.15863/TAS.2020.04.84.114](https://doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.114)
8. Sayidirahimova, N.S. (2020) General Theoretical Aspects In Synchronical Typological Learning Of English Adverbs (Adverb Goals). International Journal of Research. Available at <https://edupediapublications.org/journals>.
9. Lutfullayeva D. E., Nasirova M. A., Sayidiraximova N. S, Nizamova F. A., Shoaliyeva N. K., Pragmatik features of official text and documents of the uzbek language // Anglisticum Journal (IJLLIS). July 2020. Voume:9 /Issue 7. — P 24–34. — URL: https://eprajournals.com/jpanel/upload/754pm_8.EPRA%20JOURNALS%202264.pdf
10. Lutfullayeva D. E. The Role of Associative Experimental Method In The Study of Human Linguistic Memory. 2016. pp. 452–457. https://www.researchgate.net/publication/337745676_The_role_of_associative_experimental_method_in_the_study_of_human_linguistic_memory
11. Rustamiy S. “Esasu-l-belaga” ve “Divan-u lugat-it-türk” eserlerinin dil bilimi ve belagat bilimiyle ilgili yönleri. Journal of Turkish Studies, 11(20). 2016. DOI: <http://dx.doi.org/10.7827/TurkishStudies.10066>
12. Arifdjanov Z. The semantic groups of prefixal verbs in the persian language and their functional equivalents (using the verb برداشتن [bar-dāštan] as an example). The Light of Islam, 2020(2), 68–74. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/10/>

References

1. Dem'yankov V. Z., Kubryakova E. S., *Kognitivnaya lingvistika* (Cognitive Linguistics), Moscow, 1997, pp. 53–55, available at: <http://www.infolex.ru/Cogling.htm>
2. Maslova V. A., *Vvedenie v kognitivnuyu lingvistiku* (Introduction to Cognitive Linguistics), Moscow: Nauka, 2004, 296 p.
3. Fedorchuk E.V., *Mezh'yazykovaya omonimiya i paronimiya v blizkorodstvennykh yazykakh: Na materiale russkogo i ukrainskogo yazykov* (Interlanguage Homonymy and Paronymy in Closely Related Languages: On the Material of the Russian and Ukrainian Languages), Extended abstract of Doctor's thesis, available at: <https://www.dissercat.com/content/mezh'yazykovaya-omonimiya-i-paronimiya-v-blizkorodstvennykh-yazykakh-na-materiale-russkogo-i->
4. Lipatov A.T., *Semanticheskie aspekty proyavleniya russkoi omonimii na raznykh yazykovykh urovnyakh* (Semantic aspects of Russian homonymy at different language levels), Extended abstract of Doctor's thesis, Leningrad, 1990, 36 p.
5. Gladkii A. V., *Sintaksicheskie struktury estestvennogo yazyka v avtomatizirovannykh sistemakh obshcheniya* (Syntactic structures of natural language in automated communication systems), Moscow, 1985, 144 p.
6. Apresyan Yu. D., Russian philological portal, available at: <http://philology.ru/linguistics1/apresyan-71.htm>
7. Sayidirahimova, N.S., *Philadelphia, USA*, 2020. pp. 670–673. DOI: [10.15863/TAS.2020.04.84.114](https://doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.114)
8. Sayidirahimova, N.S., *International Journal of Research*, available at <https://edupediapublications.org/journals>.
9. Lutfullayeva D. E., Nasirova M. A., Sayidiraximova N. S, Nizamova F. A., Shoaliyeva N. K., *Anglisticum Journal*, (IJLLIS). July 2020, Vol. 9, pp. 24–34, available at: https://eprajournals.com/jpanel/upload/754pm_8.EPRA%20JOURNALS%202264.pdf
10. Lutfullayeva, D. E., *The Role of Associative Experimental Method in The Study Of Human Linguistic Memory*, 2016, pp. 452–457, available at: https://www.researchgate.net/publication/337745676_The_role_of_associative_experimental_method_in_the_study_of_human_linguistic_memory
11. Rustamiy S., *Journal of Turkish Studies*, 11(20). DOI: <http://dx.doi.org/10.7827/TurkishStudies.10066>
12. Arifdjanov Z., *The Light of Islam*, 2020(2), 68–74, available at: <https://uzjournals.edu.uz/jiau/vol2020/iss2/10/>